Шимолий Кореянинг ядро қуроли яратиш йўлидаги ҳаракатлари дунё тинчлигига катта таҳдид солмоқда, унга қўшни бўлган давлатларда ташвиш уйғотмоқда. Бундан бир мундлат олдин МАГАТЭнинг 137 аъзоси томонидан яқдиллик билан қабул қилинган резолюцияда Шимолий Корея ядро қуроли яратиш дастуридан худлик билан воз кечиши ва МАГАТЭнинг умумий хавфсизлик йўлидаги барча талабларига амал қилиши қатъий айтилган эди.

Утган йил декабрь ойида Шимолий Корея МАГАТЭ инспекторларининг текшириш ўтказиши учун мамлакат ҳудудига киришига рўхсат бермади. АҚШ тарафидан жиддий эътирозлар юзга кела бошлагач, ядро қуроли яратиш йўлидаги уринишларини тўхтатган-

КОРЕЯГА ЖИДДИЙ ЭЪТИРОЗ

қаро конференцияда АҚШнинг Россиядаги элчиси Александр Вершбоу Эрон ва Шимолий Корея давлатларининг оммавий қирғин қуролига эга бўлишига интилиши дунёда ядро терроризми хавфи кучайишига олиб келишини таъкидлади.

Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг шу йил сентябрь ойининг охирида АҚШга қилган расмий ташрифидан мақсад, бошқа масалалар қатори, Эрон ва Шимолий Корея масаласида ҳам бир тўхтама келиш эди. АҚШ ва Россия давлат раҳбарларининг Кэмп-Дэвид қароргоҳида бўлиб ўтган учрашуви чоғида Владимир Путин АҚШнинг омма-

вий қирғин қуролининг тарқалиб кетмаслигига қарши олиб бораётган барча сий-ҳаракатларини қўллаб-қувватлашни билдирди. Учрашувдан сўнг ўтказилган матбуот анжуманида Путин умумий хавфсизлик йўлида оммавий қирғин қуролининг тарқатмаслик юзасидан Шимолий Корея Россия билан ҳамкорлик қилишига умид билдирди. Шимолий Кореянинг маълум худуди Россия билан чегарадор экинлиги бунга йўл очиши керак, деди Путин.

Шу йилнинг август ойида Жанубий ва Шимолий Корея, Хитой, Россия, АҚШ ва Япония давлатлари вакиллари

Пекинда бўлиб ўтган учрашувида ҳар бир мамлакат бу масалада ўз қарашларини маълум қилганди. Лекин муаммо ўз ечимини топмаган эди. Олти томонлама музокаралар шу йил ноябрь ойида яна ўтказилиши мўлжалланмоқда.

Шимолий Кореянинг бутунги иқтисодий аҳволига тўхта-ладиган бўлса, мамлакатда оммавий қашшоқлик авж олган. 23 миллиондан ортиқ аҳоли оғирлиқ хавфи остида турибди. Кучли энергия тақ-чиллиги сезилди. Транспорт инфраструктураси етарлича шаклланмаган. Мамлакатдаги мажбууд оғирлиқнинг энгил-лаштириш мақсадида

БМТнинг оғирлиқнинг олдини олиш Дастури бўйича август ойида юз минг тонна озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилди. АҚШ, Россия ва Италия томонидан 2004 йил январь ойида яна 65 минг тонна инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш кўзда тутилган. Мамлакатда аҳолининг турмуш тарзи оғирлашиб боришига қара-масдан, ҳукумат мудофаага эътиборни кучайтирмоқда. Бун-гунги кунда Шимолий Корея жаҳонда энг катта армияга эга давлатлардан бири ҳисоблана-ди. Давлат йиллик бюджетининг асосий қисми ҳарбий мақсадларга сарфланмоқда.

Хулоса ўрнида шунини айтиш мумкинки, бутун бутун дунё ҳаққлари тинч-тотув яшашни истади. Шимолий Кореянинг ядровий дастури эса шу ис-такнинг ижобат бўлишига сал-бий таъсир кўрсатмоқда.



Юнус БУРОНОВ.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ
Янгиликлар, воқеалар, далиллар

Германия делегацияси ташрифи

Шу йилнинг 1-4 октябрь кунлари Германия Федерал Адлия вазирлиги Давлат котиби доктор Х.Гайтер бошчилигидаги делегация амалий ташриф билан мамлакатимизда меҳмон бўлди.

Германия жаҳон сийсати ва иқтисодиётида юксак максага эга. Ҳозирги пайтда сийсий, ҳуқуқий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларда 80 дан ортиқ ҳужжат ўзбек-герман муноса-

батларининг шартномавий-ҳуқуқий базисини ташкил этди. Ташриф чоғида Федерал Адлия вазирлиги Давлат котиби доктор Х.Гайтер бошчилигидаги делегация Адлия, Ички ишлар, Ташқи ишлар вазирликлари, Бош прокуратура, МХХ, Омбудсман раҳбарияти билан учрашди.

Бўлиб ўтган учрашувларда ҳуқуқий соҳаларга ўзаро ҳамкорликни янада ривож-лантириш масалалари кўриб

Кремлдаги Ғайриоддий концерт

Москвадаги Кремль саҳна-си ҳамма музикачилар учун ҳам ўз эшикларини очармайди. Аммо В.Успенский номидаги музика академик лицейи олтинчи синф ўқувчиси Тамил Салижмонова бу борада омад кўлиб боқди — у хориздаги илк сафарига Москва Кремлининг «Оружейная палата» сиза концерт бериш бахтига муассар бўлди.

Жаҳоннинг энг машҳур музейларидан бирида ўтган концерт Владимир Спиваков халқро хайрия фонди томонидан ташкил қилинди ва унга Ўзбекистон, Украина, Грузия каби мамлакатлардан еш музикачи-

қўшимча маданий дастур ҳам ташкил қилинди. Салижмонова оиласи россиялик машҳур ижрокчи Тигран Алиханов ва Александр Мидонян концертларида бўлиб, Москва музейлари ва Россия пойтахтидаги тарихий-маданий ёдгорликлари билан танишишди.

Олег ШАТУРСКИЙ, «Жаҳон» АА мухбири, Москва.



ҒОЛИБЛИККА ДАЪВОГАРЛАР яна Тошкент кортларига таклиф этилди

Айни пайтда теннис мутахассислари бешинчи бор ўтказилган «Тошкент олен» халқро турнирини ҳар талтидан ҳам қизиқаришқоқ ўтишини бот-бот эслатишмоқда. Аслида бу бор гап. Негаки, ушбу турнирда жаҳоннинг йигирмага яқин давлатидан энг сара теннис махлиқлари иштирок этишмоқда. Улар орасида уйинлари чегара билмас венгриялик Петра Мандалу, хорватиялик теннис «юлдузи» Елена Костаник, Европа кортларида шухрат қозонган испаниялик Руано Поскуаль, ҳар қандай рақибга қарши курашга шай турган швейцариялик Эмануэль Галиарди каби чап-

даст ракетка соҳибалари бор. Демак, мухлислару мутахассислар роппа-роса бир ҳафта мобайнида жаҳоннинг энг сара теннисчи аёллари «ижрос»даги гўзал уйинларини шоҳиди бўлишди.

Ф. САНАЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«Олтин бутси» соҳибининг рекорди

Ампутант-ноғиронлар ўртасидаги 6-жаҳон чемпионатининг кейинги кун баҳслари Миллий банк стадионида давом эттирилди. Дастлаб майдонга биринчи турда рақибларидан мағлубиятга учраган Россия ҳамда Украина терма жамоалари тушишди. Икки марта жаҳон чемпионлигини қўлга кiritган россияликлар эн қўшниларига ҳеч қандай имконият қолдирмади: 4:0. Иккинчи уйин Ўзбекистон

ва Бразилия ўртасида кечди. Ампутант-ноғиронлар футболда ҳам тенгсиз футболчилари билан ном қозонган бразилияликлар илк дақиқаларданок дарвозамиз олдида хавфли вазиетларни уюштири бошлашди. Шундай ҳужумларини бирида Россия дарвозасини илгол қилган Элизео ҳисобини очди. Фалаба иштиёқида майдонга тушган ҳамюртларимиз иккинчи бўлимда ҳисобини тенглаштиришга муваффақ

бўдилар. «Олтин бутси» соҳиб Абдуҷамил Шукуров чамаси 35 метрлардан гол киритиб, ўзинг хос рекорд ўрнатди. Кеча ярим финал учрашувлари бўлиб ўтди. Биринчи турдаги рақиб — украинликларга қарши тўп сурган вакилларимиз пенальтидан бўйича 2:3 ҳисобида имкониятнинг бой берилди. Бразилия терма жамоаси эса россияликлардан енгилди. Шундай қилиб, гурӯх уйинларида ғолиб қилқан жамоалар ярим финалда мағлубият аламининг тоғишди. Энди улар учинчи ўринни қўлга киритиш имкониятини эга, холос.

Дилмурод ПАРПИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

мумкин эмас. 18-модда. Вазирлар Маҳкамасининг Раёсати Бош вазир ва унинг ўринбосарларидан иборат таркибдаги Вазирлар Маҳкамасининг Раёсати Вазирлар Маҳкамасининг доимий органи сифатида фаолият кўрсатади. Бош вазирнинг қарорига биноан Вазирлар Маҳкамаси Раёсатининг таркибига Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг бошқа аъзолари ҳам киритилиши мумкин. 19-модда. Вазирлар Маҳкамасининг доимий, муваққат комиссиялари ва бошқа ишчи органлари Вазирлар Маҳкамаси доимий комиссиялари тузати ва уларнинг вазифалари, ваколатлари ҳамда фаолият тартибини белгилайди. Давлат ва ҳўжалик бошқарувининг айрим масалалари бўйича таклифлар тайёрлаш, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг айрим топшириқларини бажариш учун Вазирлар Маҳкамасининг муваққат комиссиялари ва бошқа ишчи органларини тузилиши мумкин. 20-модда. Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари Вазирлар Маҳкамаси қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудига барча органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар ҳамда фармойишлар қабул қилинади. Вазирлар Маҳкамасининг норматив тусдаги ёки ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳужжатлари Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари шаклида қабул қилинади. Вазирлар Маҳкамасининг тезкор ва бошқа жорий масалалар бўйича қарорлари Вазирлар Маҳкамасининг фармойишлари шаклида қабул қилинади. Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари Бош вазир томонидан имзоланади. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 89-моддаси ва 93-моддасига асосланган ҳолда Вазирлар

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида (янги таҳрири) I. УМУМИЙ ҚОНДАЛАР 1-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси — Ҳукумати Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётнинг, ижтимоий ва маънавий соҳанинг самарали фаолиятига раҳбарликни, Ўзбекистон Республикаси қонуналари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ижросини таъминловчи ижро этувчи ҳокимият органидир. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (бундан буён матнда Вазирлар Маҳкамаси деб юртилади) давлат бошқаруви органлари тизимига ва ўзи ташкил этилган ҳўжалик бошқаруви органлари тизимига бошчилик қилади, уларнинг ҳамжиҳатлик билан фаолият кўрсатишини таъминлайди. Вазирлар Маҳкамаси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олдида жаъобгардир. Вазирлар Маҳкамаси қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга. 2-модда. Вазирлар Маҳкамаси фаолиятининг ҳуқуқий асослари Вазирлар Маҳкамасининг фаолият кўрсатиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари

тириш ва такомиллаштиришининг асосий йўналишларини белгилайди, маданиятни ривожлантиришга кўмаклашади; Ўзбекистон Республикасининг давлат хавфсизлиги ва мудофаа қобилиятини, давлат чегаралари қўриқланишини таъминлаш, давлат манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибинин сақлаш чора-тадбирларини амалга оширишга ёрдамлашади; давлат бошқаруви органларининг табиатини муҳофаза қилиш тадбирларини биргаликда ўтказиш ҳамда республика ва халқро аҳамиятга молик йирик экологик дастурларини амалга ошириш бора-сидаги ишларини мувофиқлаштирилади, йирик авариялар ва фалокатларнинг, шунингдек, табиий оғдатларнинг оқибатларини тутатиш чора-тадбирларини кўради; Ўзбекистон Республикасининг ҳорижий давлатлар ва халқро ташкилотлардаги вакилликнинг таъминлайди, ҳукуматларро шартнома ва битимлар тузати, уларни бажариш чора-тадбирларини кўради; ташқи иқтисодий фаолият, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик соҳасида раҳбарликни амалга оширади. 6-модда. Давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари раҳбарлик қилишининг умумий масалалари Вазирлар Маҳкамаси вазирликлари, давлат кўмиталари, идоралар ҳамда давлат ва ҳўжалик бошқарувининг бошқа органлари ишнини мувофиқлаштириб ҳамда йўналтириб боради. Вазирликлари, давлат кўмиталари, идоралар ҳамда давлат бошқарувининг бошқа органлари ҳақидаги низомлар Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади. Вазирлар Маҳкамаси вазирликлари, давлат кўмиталари, идоралар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетни ҳисобидан таъминланадиган давлат бошқаруви бошқа органларининг марказий де-вони ҳоимларини сонини ва улар таъминотида ажратиладиган маблағлар миқдорини белгилайди. Вазирларнинг ўринбосарлари, давлат кўмиталари раисларининг ўринбосарлари ҳамда давлат бош-

тиришининг асосий кўрсаткичларини тасдиқлайди, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият де-вонининг сонини ва намунавий тузилмасини белгилайди; вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг қонун ҳужжатларига эид бўлган қарорлари ва фармойишларини ижросини тўхтатиб қўйиш ҳамда уларни бекор қилишга ҳақли. 12-модда. Вазирлар Маҳкамасининг нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ўзаро муносабатлари Вазирлар Маҳкамаси ўз ваколатига кирувчи масалалар юзасидан нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлик қилади ва қонун ҳужжатларига мувофиқ уларга зарур кўмак кўрсатади. IV. ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА УНИНГ ТАРТИБИ 13-модда. Вазирлар Маҳкамасининг мажлислари Давлат бошқарувининг, ҳўжалик ва ижтимоий-маданий қурилишининг энг муҳим масалалари Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларида ҳал этилади. Вазирлар Маҳкамасининг мажлислари йилнинг ҳар чорагида камидан бир марта ўтказилади. Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларини Бош вазир ўтказди. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларида раислик қилишга ҳақли. Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларини таъйинлаш ва ўтказиш тартиби Вазирлар Маҳкамасининг Регламенти билан белгиланади. 14-модда. Фақат Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларида ҳал этиладиган масалалар Қуйилдиғилар фақат Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларида кўриб чиқилади: Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини ишлаб чиқиш ва ижро этиш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати тасарруфидаги аниқ мақсадли давлат фондларини шакллантириш ва

Абдуҳолиқ Гиждувонийнинг 900 йиллиги олдидан

Хожалар ахлининг хожаси ҳеч вақт илм ўрганмасдан туриб бирор ишга киришмасликига, ҳар илми ўрганган киши унга амал қилишга, амалини сидқу илҳос билан бажаришга, илм эгалари ва шайхларнинг таълимоти билан инкор этмасликига, доимо илмнинг қадрини биладиган бўлишига, унга гард юқтирмасликига даъват этади. Унинг муридларига таъкидлаган қуйидаги ўғити чуқур маънавий-ахлоқий қимматга эгадир: «Қаерда бўлманг, сизнинг олдингизда қандай қийинчиликлар бўлмасин, тўсиқлар дарёлар, оловлар бўлса ҳам, сиз буларни бартариф этиб, билимини эгаллашингиз керак. Фақат илмгина инсонга ҳақиқий роҳат бағишлайди».

Этилмайди, дейди. Мансаб учун сўфийлик қийимини шахсий манфаату гираз-ла қийиб, мансабу лавозимларга интилуви одамлари Гиждувоний ҳождилар, тасаввуфий ирфоний қоидаларнинг аслини билмайди диган ноҳонлар ҳисоблайди. Ҳақдуст ва руҳносу Гиждувоний муридиди, суҳбатдошларига насиҳат бериб, айт-

Ўлмас ўғитлар

Уларни ҳар замонда истифоро айтиб ўтирарканларки, бизнинг тоатимиз кўсурли деб. Шунинг учун халқимизда шундай нақд борки, «Бейб парвардигор». Ҳар бир инсон Хўжаи Жаҳон айтганларидек, «тавба», «истиғфор» айтиш билан ўзини доимо губорлардан тозалаб туриши керак. Ўзини қилаётган ишларини сарҳисоб қилиб туриб, нотўғри амалларини пайқаб тезла улардан қайтиб, соҳиб амалларини бажариб туриши лозим. Яхши ҳулқ-атворилик бу ҳақиқий инсонийлик, олижаноб, меҳрибон, камтарин, саҳий, ватанпарвар, ҳалол, меҳнатсевар, ор-номусли, дўст, мард ва бошқа фазилатларга эга бўлиш демакдир. Бундан фанон, табиийки, жамиятга фақатгина наф келтиради. Унга зарар етказмайди, оғирини енгил қилади.

Гиждувоний ҳар қандай ҳолатда ҳам ақлдан мувофиқ иш қилишни таъкидлайди. «Ақлнинг яхшилиги илмондандур. Илмон — юракда худонинг борлигидир. Ҳар бир тоат — илмондур». «Илмон» арабча сўз бўлиб, ишонч маъносини билдиради. Илмонли кишини мўмин дейдилар. Мўмин илмон келтирган, яъни ишонган одам. Илмон қабонинг дубри бўлиб, кишини этиқодли, яхшиликка, эзгу-

ликка, ҳалол ва пок бўлишга ундайди. Мўнабар шайх «Илмон — саодат сармоясидир», дейди. Сармоя бош, асос маъносини аниқлаш, демак, илмонли инсон бахт-саодатга, камолга, етукликка эришади. Кимки бу сармоянга қўла қўриган бўлса, ўз зарарига иш қўриган бўлади. Ҳазрат шундай ёзади: «Тангри яратган нарсаларнинг ҳаммаси ҳам керакли бўлади. Лекин мевади дарактини доим асрайдилар. Чунки унинг ҳам мевадиди, ҳам соясида баҳра олади. Илмонли инсоннинг мевадиди ҳам бўлади, сояси ҳам». «Унинг масжид, молинг нафақа, беағиринг худ, уфатинг Қалом бўлсин», дейди у. Сабаб шунки, масжид — Худога сажда қилинадиган пок, соф жой, сеининг унинг ҳам шундай пок, соф бўлиши. «Молинг нафақа», яъни фақат ўз меҳнати нафақасига яшаб, биларларнинг меҳнатидан фойдаланмаслик, уларнинг ҳақини истеъмол қилмаслик, ўзини «сузд», яъни ҳалол ва нопокни ажратиб билиш, мол-мулкка эга бўлман деб илтимаслик, динни пок сақлаш билан «беағиринг» тавсия этилади. Шунингдек, у шахс тоатибодат билан бирга, ҳалол ҳолатини ўз меҳнати-ла тоатиб зарур, бирор қасбу ҳунар билан шуғулланиш сўфий учун ман

ганки, ҳақиқий инсон кераксиз бойликлардан узоқлиқини, нафсини жиловлаб, чидамли, сабур тоқатли бўлмоғи лозим. Бу дунё ўткинчи — фаний, унда инсон меҳмон сифатидадир... Инсон умри уйқудай ўтиб кетмасин... У улғу инсонлар-вар шайху ҳақимлар панду насиҳатларини мутлолаа этиб, шундай хулосага келдики, агар одамлар ўтмишда ва ҳуусан, ҳозирги замонда бу улғувор сиймоларнинг маслаҳату доно фикрларига амал қилса эди, халқлар орасидаги сон-санокиср можаролар, мамлакатлараро урушлар, минтақалараро, халқлараро низо ва жаҳжаллар юзатма кетмас эди.

Хулоса қилиб айтганда, одамлар динга эзудлик ва покликни синдирувчи қадриятларнинг одамларни тарбиялашдаги буюк аҳамиятига Гиждувоний ўзининг тасавуфий-ирфоний таълимотида катта эътибор берган. Диний маънавий-ахлоқий ақида, гоғлар умуминсоний қадрият сифатида баҳоданаётган бугунги кунда Хўжаи Жаҳоннинг илм, ахлоқ-оқоб ва илмон тўғрисидаги таълимоти ҳануз ўз аҳамиятини йўқотган эмас.

Ойгул ШАРИПОВА, Бухоро Давлат университети катта ўқитувчиси.



Бахтинг бекам бўлсин, болажон!
Оилада чақалоқ туғилди. Она хушбахт, ота масрур. Негаки, бу оиланинг давомчиси, таянчи дунёга келди.
— Оналик мартабасига эришган аёлларнинг кўзларида қувонч ёшларини кўрганида яйраб кетаман, — дейди Косон тумани марказий шифонаси тугурқона комплекси бош шифокори Дилфуза Тошқуллова. — Фарзанд туғилган хонадонга чақалоқ билан бирга меҳр-оқибат, ҳурмат кириб боришини ҳис қилишининг ўзи инсонга қувонч бахш этади. Дарҳақиқат, Дилфуза Тошқуллова раҳбарлик қилаётган жамоанинг нияти эзгу. «Ҳар бир хонадонда оналар алласию чақалоқ ингиси янграйверсин. Бахтинг бекам бўлсин, болажон», дейди (суратда) Д.Тошқуллова.

Асосий мавзу — болалар спорти

«Соғлом авлод учун» журналининг навбатдаги сонини (2003 йил 8-сон) болалар спортига бағишланди. Унда болалар спортини ривожлантириш ва унинг оммавийлигини таъминлаш мисалатини таъминлаш мисалатининг таври сифатида муҳим аҳамиятга эга эканлиги ўзига хос равишда ёритилган. Юрбошқарушнинг «Болаларимиз соғлом бўлса, миллатимиз бақувват бўлса, ҳаёт синовлари ва қийинчиликлардан қўрқмайди» деган мазмунда бўлса, иродаси мустаҳкам бўлса, энг муҳими шу. Мана шу ғоя учун «Жон қуйибди яшаш ва ишлаш керак», деган сўзлари маънавий асос қилиб олинган. Маълумки, тарихимизда эш авлодга ибрат бўладиган шахслар кўп ўтган. Уларнинг давомчилари сифатида «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвонига эътибор берилган.

Журналнинг янги сонини «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада» спорт йўналиши голибларининг мақолаларида ҳам ушбу мавзу теварағида фикр юритилди. «Ўзбек қизлари доғруғи» мақолаида республикамиз хотин-қизларининг спорт соҳасидаги муваффақиятлари таъкид қилинган бўлса, «Донлар жисмоний маданият ҳақида» руҳини остида мутафаккирларнинг спорт, жисмоний-тарбия борасидаги ҳикматлари жамланиб, журналхонлар ҳукмига ҳавола этилган. Журнал муқовасининг 1-4 саҳифаларида ва махсус ички рангли саҳифаларда эса мавзунини омувий ва тўлиқрақ рағбатли фотосуратлар берилган. Баркамол авлодини тарбиялаш йўлида камарбаста бўлаётган журналнинг ушбу сонини ҳам ўқувчиларга манзур бўлади, деб умид қиламиз.

Журналдан жой олган

улардан фойдаланиш масалалари; бошқарув тузилмасини такомиллаштириш масалалари, Ўзбекистон Республикасини ва унинг айрим минтақаларини иқтисодий ва ижтимоий-маданий ривожлантириш дастурлари лойиҳалари; давлат қимматли қўғозларини чиқариш ҳажми ҳамда Ўзбекистон Республикасининг давлат ички ва ташқи қарзи қўламини ошириш тўғрисидаги тақлифлар; солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ставкаларини белгилаш ҳамда ўзгартириш тўғрисидаги тақлифлар; давлат мулки объектларини хусусийлаштириш дастурларининг лойиҳалари ҳамда хусусийлаштиришдан олинган маблағлардан фойдаланишнинг асосий йўналишлари тўғрисидаги тақлифлар; белгилаб қўйилган давлат нархлари қўлланиладиган маҳсулотлар, товарлар ва хизматлар рўйхати; қонунийлик ташаббуси тартибидеа Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунийлик палатасига киритиладиган қонунлар лойиҳалари; давлатлараро шартномалар ва битимларни имзолаш тўғрисидаги тақлифлар. **15-модда. Бош вазир** Бош вазир Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини ташкил этади ва унга раҳбарлик қилади ҳамда унинг самарали ишлаши учун шахсан жавоб беради. Бош вазир: Ўзбекистон Республикаси Президентини билан келишилган ҳолда Бош вазирнинг ўринбосарлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди; Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларида раислик қилади; Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини имзолайди; Ўзбекистон Республикаси Президентининг топшириғига биноан халқаро муносабатларда Вазирлар Маҳкамаси номидан иш қўради ҳамда ҳукуматлараро шартномалар ва битимларни имзолайди;

Кирқиш чизиги

гуллаштириш ва уларнинг тенглиги, иқтисодиётини монополиялаштиришдан қайтариш, бозор иқтисодиётининг ҳуқуқий механизминини ишта солиш асосида эркин тадбиркорлик учун шарт-шароитлар яратди; ҳўжалик юртишининг янги шакллари — концернлар, консорциумлар, тармоқлараро бир-лашмалар, турли уюшмалар ва бошқа шунга ўхшаш ташкилотларни барпо этишга ва мустаҳкамлашга ёрдамлашди, иқтисодиётини ривожлантириш ва аҳоли талаб-эҳтиёжларини қондириш заруриятидан келиб чиққан ҳолда улар фаолиятини йўналтирди ва мувофиқлаштирди; Ўзбекистон Республикасида пул ва кредит тизимини мустаҳкамлаш чора-тадбирларини амалга оширишга кўмаклашди, ягона нарх сибёатини ўтказиш, меҳнатга ҳақ тўлаш микдорининг белгиланган кафолатларини ҳамда ижтимоий таъминот даражасини таъминлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиди ва амалга оширди; Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини, шунингдек Ўзбекистон Республикасини иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш истиқбол қўрсаткичларини ва энг муҳим дастурларини ишлаб чиқилиши ҳамда уларнинг ижросини ташкил этади; бошқарув тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида, вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ҳамда Ўзбекистон Республикаси давлат ва ҳўжалик бошқарувининг бошқа органларини тузиш, қайта ташкил этиш ва тутатиш тўғрисида тақлифлар ишлаб чиқиди; фан ва техникани ривожлантириш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш чора-тадбирларини амалга оширди; фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, уларнинг меҳнат қилишига, ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимояланган бўлган ҳуқуқларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш чора-тадбирларини қўради, ижтимоий таъминот тизимини такомиллаштирди; соғлиқни сақлаш, халқ таълимини ривожлан-

Мураббийлар, сизлар учун!

Таэквандо машқлари тўплами



«Ёшлар ўртасида спортни оммалаштиришдан мақсад — ўйинмонанд турли машғулотлар кўмағида ҳам жисмонан, ҳам маънан соғлом шахсларни тарбиялаш, биринчи гада, халқ ва Ватан манфаатларини ҳимоя қила оладиган фарзандларни вояга етказишдир».

Ушбу сатрлар Ўзбекистон Таэквандо (ИТФ) миллий асоциясиаси томонидан мазкур спорт турига қизиқувчилар учун ўқув-қўлланма сифатида нашрга тайёрланган янги рисоладан олинди. «Ўзбекистон. Таэквандо. Ғалаба» умумий сарлавҳаси остида чап этилган китобчининг биринчи бўлимида таэквандонинг спорт тури сифатида келиб чиқиши, унинг мамлакатимизда ривожланиш тарихи ва бу борада муносиб ҳисса қўшган инсонлар ҳақида ҳикоя қилинади. Рисоланинг қиммати шундаки, унинг иккинчи бўлими тўлиқ таэквандо қўлланиладиган нозик ва айни пайтда

мураккаб ҳаракатларни суратлар ёрдамида ўрганишга бағишланган. Юртимизда болалар спортини ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилаётган бир вақтда бу нашр жойлардаги мураббийлар учун ақсолини табиий. Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Комилжон Юсупов сўзбошичи билан очиладиган ўқув-қўлланмадан Халқаро таэквандо федерацияси президенти Чой Хон-Хи ва бошқа танкиди мутахассисларнинг фикрлари ҳам ўрин олган.

О. ТўРАБОЕВ.

РЕСПУБЛИКА «ОИЛА» ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ
2003 йил учун қўйидаги ихтисослашлар бўйича аспирантиуралини қўйидаги бўлимга қабул қилишди:
13.00.01 — педагогика назарияси ва тарихи;
19.00.05 — ижтимоий психология; этнопсихология.
Хўжжатлар 2003 йил 31 октябргача қўйидаги манзилда қабул қилинади:
700027, Тошкент ш., Фурқат к., 1-уй, Республика «Оила» илмий-амалий маркази.
Мурожаат учун телефонлар: 45-15-59, 45-18-68.

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ!
Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтини хонияли 48-сонли болалар баччаси қайта ташкил этилгани муносабати билан барча қўриқчи, барча ҳўқуқ ва мажбуриятлар 2003 йил 1 июлдан янги тартибда қўллаш «Халқ банк» болалар баччасига ўтказилиши маълум қилади.
Маълумот учун телефон: 53-23-01.

«ХИМОЯ» ҲУҚУҚИЙ МАРКАЗИ АДВОКАТЛИК ФИРМАСИ
Дебиторлик қарзларини ундириш; ҳар қандай ҳўжалик ва фуқаролик низолари юзасидан иш юритиш; корхоналарни теъзор давлат рўйхатидан ўтказиш ва қайта рўйхатдан ўтказиш; корхоналарга юридик хизмат сифатида ҳуқуқий ёрдам қўрсатиш.
Ҳақ тўлаш ишини натижалари бўйича амалга оширилади.
Манзили: Тошкент ш., А.Икромов к., 13-уй (Мўлжал — метронинг «Х.Олимжон» бекети). Телефонлар: Тошкент ш.: (871) 133-1138, 137-13-43, 175-63-72, 105-82-33. Бухоро ш.: (666) 223-63-72, 223-68-85. Самарқанд ш.: (3662) 35-76-15.

«ХИМОЯ» ҲУҚУҚИЙ МАРКАЗИ АДВОКАТЛИК ФИРМАСИ
Дебиторлик қарзларини ундириш; ҳар қандай ҳўжалик ва фуқаролик низолари юзасидан иш юритиш; корхоналарни теъзор давлат рўйхатидан ўтказиш ва қайта рўйхатдан ўтказиш; корхоналарга юридик хизмат сифатида ҳуқуқий ёрдам қўрсатиш.
Ҳақ тўлаш ишини натижалари бўйича амалга оширилади.
Манзили: Тошкент ш., А.Икромов к., 13-уй (Мўлжал — метронинг «Х.Олимжон» бекети). Телефонлар: Тошкент ш.: (871) 133-1138, 137-13-43, 175-63-72, 105-82-33. Бухоро ш.: (666) 223-63-72, 223-68-85. Самарқанд ш.: (3662) 35-76-15.

билан белгиланади. **3-модда. Вазирлар Маҳкамаси фаолиятининг асосий принциплари** Вазирлар Маҳкамаси ўз фаолиятида коллегиялик, демократия ва қонунийлик, Ўзбекистон Республикасида яшовчи барча миллат ва элатларнинг манфаатларини ҳисобга олиш принципларига асосланади. **II. ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ТАРКИБИ ВА УНИ ШАКЛЛАНТИРИШ, УНИНГ АСОСИЙ ВАКОЛАТЛАРИ** **4-модда. Вазирлар Маҳкамасининг таркиби ва уни шакллантириш тартиби** Вазирлар Маҳкамаси таркибига Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини (бунидан буйғ-матилда Бош вазир деб юритилади), унинг ўринбосарларини, вазирлар, давлат қўмиталарининг раислари кирдиладар. Қорақалпоғистон Республикаси ҳўкумати-нинг бошчилиги ўз лавозимини буйича Вазирлар Маҳкамаси таркибига кирди. Вазирлар Маҳкамасининг таркиби Ўзбекистон Республикасининг Президенти томонидан шакллантирилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Бош вазир номзадини қўриб чиқиб ва тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталарига тақдим этади ҳамда уни вазифасидан озод қилади. Вазирлар Маҳкамасининг аъзоларини Бош вазир тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти тасдиқлайди ва вазифасидан озод қилади. Вазирлар Маҳкамаси янги сайланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олдида ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилади. **5-модда. Вазирлар Маҳкамасининг иқтисодий ва ижтимоий-маданий ривожлантириш соҳасидаги асосий ваколатлари** Вазирлар Маҳкамаси ўз ваколатлари доирасида: иқтисодий, ижтимоий-маданий жараёнларни бошқаради, мулкчиликнинг барча шакллари уй-

“ТЕЗИНТОМ” ЎЗБЕКИСТОН-GERMANYA ҚҚ
Ўз ХАРИДОРЛАРИГА ИЛГОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА ИШЛАБ ЧИқАРИЛГАН ҚУРИЛИШ АНЖОМЛАРИНИНГ ЎТА ЗАМОНАВИЙ ТУРЛАРИНИ ТАҚЛИФ ҚИЛАДИ:
ТУРАИ РАНГАДГИ УТА ЗАМОНАВИЙ ТОМ ПИЇИЧ АЙЖОМАЛАРИДАН ИБОРАТ БУМИШ ТОМАР ТУЛАК КОМПЛЕКТЛАРИНИ ТУШИРИШ
«МБЕН» (Германия), фирмаси тех-помоғисаси асосида ағресив муҳитта металл ва эмакту ўқатуви маъносига маҳсулотларига
GERMANYAНИНГ “НЕВО” ФИРМАСИ УСКУНАСИДА ТАЙЙЕРЛАНГАН ЮКСАК ВАДИЙИ САВИЯДАГИ НОВЕБ МЕТАЛЛА МАҲСУЛОТЛАРИ
Жимжондор пажжаралар, сувиқчиқлар,гаройиб дарвозалар, қаддалар ва бошқа турда буюмлар.
Тел.: (998-71) 162-42-47, 162-78-59, 162-42-74. Факс 162-41-03. E-mail: tezintom@qlobalnet.uz
“ТЕЗИНТОМ” қўшма корхонаси маҳсулотларининг пархлари сезиларли камайтирилаган

КАРБИД КАЛЬЦИЯ Фракции φ 25 ± 80 сум/кг
700 сум/кг
Оптовым покупателям предоставляются СКИДКИ
ОФИЦИАЛЬНЫЙ ДИЛЕР СП «ОСИЕ-БАТАРЕЯ» АВТОШИНЫ И АККУМУЛЯТОРЫ
280 X 508R (K-1) грузов. 12V (36,60,72,90,105,132,150,190,200) по цене завода изготовителя.
Т.: 133-56-11, 133-55-61. Ф.: 133-89-09, 133-89-15.

NIVEA МАҲСУЛОТИ ДИСТРИБЬЮТЕРИ
Ўзбекистон Республикасининг вилоятларида ДИЛЕРЛАРНИ КИДИРМОҚДА.
Тошкентдаги телефон: 186-14-92.

ЎзРФА Х. М. Абдуллаев номидаги Геология ва геофизика институтини жамоаси институт директори Собит Мақсудовга сингисини Насиба ЗИЁМУҲАМЕДОВАНИНГ вафоти муносабати билан чўқур ҳамдардик билди-ради.
«Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти жамоаси таҳририят мудир Абдурашид Мажирига турмуш ўрғони МУАЗЗАМОННИНГ вафоти муносабати билан чўқур ҳамдардик билди-ради.

Тошкент Автомобиль-йўллар институтини жамоаси Менежмент кафедраси катта ўқитувчиси Нуридин Холлиёрова волидиси ЗУЛФИЯ ЯНИНГ вафоти муносабати билан чўқур тавсия изҳор этади.
«Маънавий» нашриёти жамоаси нашриёт ходими Элод Султоновга падари бузрукворини ҚАМАРИДДИН отаниннг вафоти муносабати билан чўқур ҳамдардик билди-ради.

давлат ва ҳўжалик бошқарувининг Вазирлар Маҳкамаси мажлисида қўриб чиқиб талаб этил-майдиан масалалари бўйича қарорлар қабул қила-ди; Ўзбекистон Республикаси қонуналирида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фар-монлари, қарорлари ва фармойишларида назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга ошириди. Бош вазир ўз ваколатларига кирувчи масалалар юзасидан фармойишлар чиқаради. Бош вазир Вазирлар Маҳкамасининг иши тўғри-сида Ўзбекистон Республикаси Президентига мун-тазам равишда ахборот бериб боради. Бош вазир йўқлигидеа унинг вазифасини Бош вазир ўринбосарларидан бири бажаради. **16-модда. Бош вазирнинг ўринбосарлари** Бош вазирнинг ўринбосарлари вазифалар тақ-симотиға мувофиқ ўзлари раҳбарлик қилаётган тар-моқдаги ишларининг аҳволи учун жауоб беради-лар, тегишли вазирликлар, давлат қўмиталари, идо-ралар ҳамда давлат ва ҳўжалик бошқарувининг бошқа органлари фаолиятини мувофиқлаштириши-ни, уларнинг ишини назорат қилишни амалга оши-радилар ҳамда уларга топшириқлар берадилар. Ва-зирлар Маҳкамаси муҳокамасига киритилган тақ-лифларни ҳамда қарор ва фармойишларнинг лойи-ҳаларини дастлабки тарзда қўриб чиқидилар. **17-модда. Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари** Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари: ўзларига топширилган фаолият соҳаси учун жа-вуоб берадилар; Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларини маса-лаларни қўриб чиқишда иштирок этадилар; Вазирлар Маҳкамасининг ваколатига кирувчи масалаларни қўриб чиқиб ҳақида Вазирлар Маҳ-камасига тақлифлар киритишлари, Вазирлар Маҳ-камаси қарорларининг лойиҳаларини тайёрлаш та-шаббуси билан чиқилиши мумкин. Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари илмий ва педагогик фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа турдаги фаолият билан шуғулланишлари